Инв. № 45
21 ИЮН 1984

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 138 (5429)
20 ИЮНЬ 1984 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

— МОНГОЛ — ГАЗЕТАЛАРДА

18 июнь куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко қисқача амалий визит билан Москвага келган Сандиночилар Миллий озодлик фронти миллий раҳбарлик органининг аъзоси, Никарагуа Миллий тикланиш ҳукумати раҳбарлик кенгашининг координатори Д. Ортега билан учрашди.

Дўстона, самимий вазиятда ўтган суҳбатда СССР билан Никарагуа ўртасидаги икки томонлама муносабатларга доир масалалар, шунингдек халқаро вазиятнинг баъзи актуал проблемалари кўриб чиқилди.

* * *

18 июнь куни Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлди.

БИЗГА ТИНЧЛИК КЕРАК

БАРЧА СОВЕТ МЕҲНАТКАШЛАРИ СИНГАРИ ЎЗБЕКИСТОН ИШЧИЛАРИ, КОЛХОЗЧИЛАРИ, ФАН ВА МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИ ЎРТОҚ К. У. ЧЕРНЕНКОНИНГ «ПРАВДА» ГАЗЕТАСИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ, ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИГА АЪЗО БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЗЎР ҚИЗИҚИШ БИЛАН ЎРГАНИБ ЧИҚМОҚДАЛАР.

АҚЛ-ИДРОК ТАНТАНАСИГА ИШОНАМАН

Америкаликларни биламан. 1945 йил фашистлардан тозаланган ерларда биргалашиб тинчлик ва бахт-саодат ҳақида гапирган, уруш бўлишига йўл қўймаслик истаги билан бирлашган, шунга ўз ҳаётини бахшида этишга тайёр бўлган америкаликларни биламан.

Истеъдодини инсонпарварлик, дўстлик олижаноб идеаллар хизматига қўйган, ҳеч қандай хавф-хатарларга қарамай, ҳақ гапни миллион-миллион кишиларга етказаётган кинопублицист ҳамкасбларимни биламан.

Лекин мен бошқача америкаликларни ҳам биламан. Бундайларини Вьетнамда, Лотин Америкасида, Яқин Шарқда кўрганман. Америкаликларнинг ёрдами билан тузилган ва қуроллантирилган босмачи тўдалар Афғонистонда қилаётган даҳшатли ишларни ҳам кўрганман. Шуларнинг ҳаммаси тўғрисида дўстларим билан кинофильмларда ҳикоя қилиб берганман.

Нақадар аламли бўлмасин, бутун дунёнинг кўз ўнгида жиноий террористик ҳаракатлар қилаётган кишилар ҳозир АҚШда ҳокимият тепасида туришибди. К. У. Черненко «Правда» газетаси саволларига жавобларида айтганидек бу ҳаракатлар «ҳам кичик, ҳам ўрта-ча, ҳам катта миқёсда, ҳам якка-ёлғиз кишилар, ҳам группалар томонидан, баъзан эса айрим давлатлар қуролли кучларининг кенг иштирокида қилинмоқда. Гренадада шундай бўлди, Ливанда шундай бўлди, ҳозир Никарагуада шундай бўлаётир».

Аммо Оқ уй ҳозирги маъмуриятининг инсоният цивилизацияси яшашига хавф солувчи хатарли йўлига чек қўйилиб, ақл-идрок тантана қилишига аминман. Тинчлик тарафдорларининг кенг ҳаракати, планетада осойишталик ва хавфсизликни изчиллик билан ҳимоя этаётган Совет Иттифоқининг қатъий ва равшан сиёсати бунга гаровдир. Ўртоқ К. У. Черненконинг америкалик журналист Ж. Кингсбери-Смит ва «Правда» газетаси саволларига жавобларида шу инсонпарварлик сиёсатининг яна бир-яққол далили бор.

Бундан қирқ йил аввал гитлеризм тақрорланишига ҳеч қачон йўл қўймаслигимизга қанчалик ишонган бўлсам, тинчликсевар кучларнинг ғалабасига ҳам шундай ишонаман.

Малик ҚАЮМОВ,
кинорежиссёр, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати.

ЗАФАРЛАРИМИЗ — ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА

Топшириққа қўшимча

«Ташсельмаш» заводи механизаторлари учун планга қўшимча 100 та «зангори кема» ишлаб чиқариш лозимлиги ёзилган. Корхона ўтган беш ой мобайнида топшириққа қўшимча 30 дан ортиқ машина йиғди. 110 минг сўмликдан зиёд эҳтиёт қисмлар тайёрлаб чиқарди.

Аъло баҳолар билан

Тошкент тўқимачилик комбинатининг бадиий техника кенгашида янги газламалар тайёрланган ранг-ранг нақшларининг катта коллекцияси кўриб чиқилди. Бу нақшлар ғоятда жозибали бўлиб, харидорларнинг дидига манзур бўлади. Рассомлар ва колористларнинг газламалар учун мўлжалланган 50 та нақш сурати юксак баҳоланди.

Техник ижодиёт самараси

Тошкент метросида инженер-техник қисмларини олисдан бошқариш системаси ишга фойдаланишга топширилди. Энди диспетчерлик пультига бутун линия машина устахоналарининг иши тўғрисида тўла ахборот келиб турибди. Бу ерда вентиляция ва сув тортиш установкаларини бошқариш тезлигини ғоятда оширишга имкон берди. Ундан бир неча минг сўмлик иқтисодий самара олинади. Биринчи линия ишлатила бошлангандан бери янги техника жорий этиш борасида 268 та тадбир амалга оширилди ва булар 450 минг сўмни тежашга имкон берди.

(ЎзТАГ).





КОЛЛЕКТИВ ПЕШҚАДАМЛАРИ

Слесарлар Сергей Ненашев ва Александр Кузнецовни «Ташстекстильмаш» заводи коллективининг аъзолари яхши танишади. Биринчини корхонада етти йил, иккинчиси ўн йилдан буён ишлаб келмоқда. Улар ана шу вақт ичида ўзлари севган ихтисосликни яхши эгаллаб, унинг чинакам устаси бўлишган. Улар смена топшириғини ҳамиша 15—20 процент ошириб бажаришади. Муваффақиятнинг сири — иш вақтидан оқилона фойдаланиш, ички резервларни ишга солишдир.

Илғор слесарлар Ўзбекистон ССР ва республика Компартияси 60 йиллиги шарафига оширилган мажбурият қабул қилишди.

* * *

СУРАТЛАРДА: Сергей Ненашев ва Александр Кузнецов.

Т. Каримов фотолари.

Илғорликни қўлдан бермай

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармаси қарашли Пардозлаш трестининг 28-қурилиш Комсомольск механизмасида механик Қалбайтан П. Савчук бригадаси ана шундай бригадалараро илғорликни қўлдан бермай келяпти. Бригада механик аҳли республика юбилейи шарафига социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтармоқда. Улар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, Ўзбекистон ССР Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейига қадар беш йиллик планни бажаришга аҳд қилганлар. Ҳозирда бу комплекслашган комсомол-ёшлар бригадасининг механик календарида 1984 йилнинг октябрь ойи охирлаб боряпти.

— Шу кунларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг газета редакциялари корпуси қурилишида механик мусобақа, — дейди бригадир П. Савчук.— Асосан пардоз ишларини бажармоқдамиз. Ишнинг сифатли бўлишини таъминлаб, кунлик топшириқларни 125—130 процент адо этмоқдамиз.

Бригада ойлик мусобақа якунларига кўра доимо пешқадамлик қилиб келмоқда. Иш вақтидан, прогрессив иш усулларидан, янги техника ва технологиядан унумли фойдаланиш, турдош касбларни пухта эгаллаш ютуқлар гарови бўлмоқда. Коллективнинг асосий мақсади шонли юбилейни ёруғ юз билан кутиб олишдан иборат.

Беллашув авжида

Тошкентлик бунёдкорлар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирмоқдалар. Ҳар ойда механик беллашувига якун ясалмоқда. Пардозлаш трестида қизғин давом этаётган мусобақада 31-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари пешқадамлик қилишмоқда. 24, 28-қурилиш бошқармалари ҳам пешқадамлар сафидан ўрин олди.

31-қурилиш бошқармаси коллективи ютуғига В. Вакаров бошлиқ комплекслашган бригада аъзолари муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Айни пайтда бу аҳил бригада Юнусобод массивида яна бир мактаб қурмоқда. Қурувчилар юксак унум билан ишлашиб, смена топшириқларини 20—30 процентга ошириб адо этмоқдалар.

— Мувaффақиятларга қандай эришяпсиз? —бу саволимизга бригада етакчиси В. Вакаров шундай жавоб қилди.

— Илғор иш усулларидан, кичик механизация воситаларидан унумли фойдаланиш, меҳнатни аниқ ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва технология интизомига қатъий риоя қилиш — буларнинг ҳаммаси муваффақиятларимиз омили бўлмоқда. Бунинг натижасида графикдан ўзиб ишлаяпмиз.

Графикдан ўзиб

2-уйсозлик комбинатининг 3-монтаж бошқармасига қарашли Миҳаил Пак бошлиқ комплекслашган бригада «Ташсельмаш» массивидаги Боткин кўчасида тўққиз қаватли турар жой биноси қурилишини ўтган йилнинг кузида бошлаган эди. Бугунги кунда мазкур уйнинг олтита подъезди топширилди. Бригада эса кейинги бешта подъездни монтаж қилишга киришди.

Илғор иш усулларидан, вақтдан, қурилиш материалларидан тежабтергаб фойдаланиш туфайли М. Пак бригадаси графикдан ўзиб ишламоқда. Улар ишлаб чиқарши график графигидан бир ой илгарилаб кетишди.

Коллективда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Бригаданинг Фахриston Юсупов, Ғайрат Сафин, Аброр Полвонов каби монтажчи, электрпайвандчи ва сувоқчиларн смена топшириқларини 20—30 процентга ошириб адо этмоқда.

Айни кунларда М. Пак бригадаси мусобақа суръатини оширб, республикамиз юбилейига мазкур турар жой биносини фойдаланишга топшириш учун курашмоқда.

Кичкинтойлар овқатланиш цехи

БУГУН

Тошкент сут комбинатида чақалоқлар учун сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цех қурилиши бутун босқичга кирди. Янги цех юбилей йилининг кузига туширилади. Бу нуқтан объектлари рўйхатга киради.

— 127-механизациялашган кўчма колонна коллективи, — дейди Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 6-трест бирлашган касаба союзлари комитети раиси Н. Борисов, — объект қурилишини графикдан ўзган ҳолда олиб боряпти. Ҳеч шубҳа йўққи, улар қурилиш ишларини муддатидан илгари тугаллайдилар. Бунёдкорлар ўтган беш ой мобайнида 800 минг сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини ўзлаштирдилар.

Бу зарбдор қурилиш объекти Чилонзорда бунёд этиляпти. Янги цех бир сменада болалар учун 20 тонна қимматли «овқат» ишлаб чиқаради.

Пионер ёзи

«ЎЗБЕКИСТОН—МЕНИНГ ВАТАНИМ»

Лагерь ўқувчиларининг ёзги каникули давомида ва мароқли ўтиши учун Собир Раҳимов районининг халқ таълими ходимлари томонидан амалга оширилди. Бу йилги пионер лагерларининг фаолияти «Ўзбекистон—менинг Ватаним» шиори остида ўтади. Бунда «Ўзбекистон кеча, бугун, эртага» деган темаларда турли суҳбат, баҳслар ўтказилади. Ўзбекистон бўйлаб саёҳатлар уюштирилади. Уруш, меҳнат ветеранлари билан учрашувлар бўлади.

Райондаги 15 та мактаб қўчоғида очилган пионер лагерларида ёз бўйи 4500 ўғил-қиз ҳордиқ чиқаради. Тошкент областининг тоғ бағрларида жойлашган 7 та пионер лагерида ҳам 4800 боланинг мириқиб дам олиши учун шарт-шароитлар яратиб берилди.

КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленуми қарорларини амалга ошира бориб ёшларнинг меҳнат кўникмасини шакллантириш мақсадида қатор меҳнат ва дам олиш лагерлари ташкил этилди.

Тошкент областининг Калинин районида жойлашган 9 та меҳнат-дам олиш лагери ёшларнинг севимли масканига айланган. Юқори синф ўқувчилари спортнинг ҳар хил турлари билан шуғулланиб, дала меҳнаткашларига яқиндан ёрдам берадилар. Гагарин номли, «Москва», «Ўзбекистон 50 йиллиги» совхозлари, «Ленин йўли», Куйбишев, Свердлов номли колхоз далаларида етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олишда фаоллик кўрсатадилар.

С. СУЛТОНОВ.

Графикдан ўзиб

2-уйсозлик комбинатининг 3-монтаж бошқармасига қарашли Миҳаил Пак бошлиқ комплекслашган бригада «Ташсельмаш» массивидаги Боткин кўчасида тўққиз қаватли турар жой биноси қурилишини ўтган йилнинг кузида бошлаган эди. Бугунги кунда мазкур уйнинг олтита подъезди топширилди. Бригада эса кейинги бешта подъездни монтаж қилишга киришди.

Илғор иш усулларидан, вақтдан, қурилиш материалларидан тежабтергаб фойдаланиш туфайли М. Пак бригадаси графикдан ўзиб ишламоқда. Улар ишлаб чиқарши график графигидан бир ой илгарилаб кетишди.

Коллективда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Бригаданинг Фахриston Юсупов, Ғайрат Сафин, Аброр Полвонов каби монтажчи, электрпайвандчи ва сувоқчиларн смена топшириқларини 20—30 процентга ошириб адо этмоқда.

Айни кунларда М. Пак бригадаси мусобақа суръатини оширб, республикамиз юбилейига мазкур турар жой биносини фойдаланишга топширишга учун курашмоқда.

МУСАФФО ОСМОН УЧУН

Тинчликка, планета халқлари хавфсизлигини таъминлашга эҳтиросли даъватлар Москвадан такрор-такрор эшитилмоқда.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги Иқтисодий кенгашида қабул қилинган ҳужжатлар, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг Кремлдаги қабул маросимида сўзлаган нутқида, унинг «Правда» газетаси ва америкалик журналист Ж. Кингсбери-Смит саволларига жавоблари — Совет Иттифоқи, социалистик лагердаги барча мамлакатлар халқаро вазиятни соғломлаштиришга ҳамиша интилиб келаётганликларининг яққол далилидир.

Социализм мамлакатларининг ҳамдўстлиги йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Уларнинг иқтисодий ва мудофаа қудрати муттасил ўсмоқда. Биз бутун кучимизни меҳнаткашларнинг бахт-саодати, уларнинг фаровонлигини янада ўстириш йўлига сарфламоқдамиз. Барча меҳнат аҳли сингари бизга ҳам тинч осмон керак.

Океан ортидаги сиёсатдонлар ва авантюрачилар рўёбга чиқмайдиган орзуга эришишни хоҳлаяптилар —улар Варшава Шартномасидаги мамлакатлардан ҳарбий жиҳатдан устун бўлиш умидидадирлар. Улар ҳатто космосни ҳам ҳарбийлаштиришни истамоқдалар. Улар кучайтираётган шу чексиз қуролланиш пойгаси ҳарбий эҳтиёжларга мўмай-мўмай маблағ сарфланишига олиб келмоқда, холос.

Шу миллардлаб маблағларнинг ҳаммаси тинч мақсадларга сарфланса, инсоният нақадар яхшироқ яшаган бўлур эди.

Биз Ер юзида тинч меҳнат қилишни хоҳлаймиз. Комбинатимизда коллективнинг катта кўпчилиги хотинқизлар. Улар номидан, барча оналар номидан гапириб, планетанинг янги бир фалокатга дучор қилинишига йўл қўймаймиз, деймиз.

Партиямиз, давлатимизнинг тинчликсевар сиёсатини сидқидилдан қўллаб-қувватлаймиз. Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун кучқувватимизни аямаймиз.

Каромат ЁҚУББОЕВА,
Ш. Р. Рашидов номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси, СССР Олий Совети депутати.

• ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

САҲНАДА — ХАЛҚ ТАЛАНТЛАРИ

Улуғ Ватан уруши даврида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ бадиий ҳаваскорлик ижодиёти кўриги мамлакат бўйлаб одимламоқда. Кўрикнинг программаси кенг ва ранг-баранг. Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги қошидаги ҳаваскорлик артистларининг ижодий ҳисоботларини, қўшиқ ва музика байрамларини қамраб олади.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги корхоналари ҳаваскорлик артистларининг Тошкентдаги кўригига кўпгина коллективлар етиб келишди. «Анди-жанэлектросеть», Ангрен, Сирдарё ва Тахиатош, Навоий ГРЭСлари ҳаваскорлари шулар жумласидандир. Артистларнинг чиқишлари апрель—май ойларида ҚҚАССР, Тошкент, Наманган, Андижон, Хоразм, Навоий ва бошқа областларда бўлиб ўтди. Мана нихоят якунловчи республика кўриги бошланди.

Программага ўнлаб асарлар — қўшиқлар, рақслар, шеърлар киритилди. «Энергетик» Лотин Америкасида, Яқин Шарқда кўрганман. Америкаликларнинг ёрдами билан тузилган ва қуроллантирилган босмачи тўдалар Афғонистонда қилаётган даҳшатли ишларни ҳам кўрганман. Шуларнинг ҳаммаси тўғрисида дўстларим билан кинофильмларда ҳикоя қилиб берганман.

Нақадар аламли бўлмасин, бутун дунёнинг кўз ўнгида жиноий террористик ҳаракатлар қилаётган кишилар ҳозир АҚШда ҳокимият тепасида туришибди. К. У. Черненко «Правда» газетаси саволларига жавобларида айтганидек бу ҳаракатлар «ҳам кичик, ҳам ўрта-ча, ҳам катта миқёсда, ҳам якка-ёлғиз кишилар, ҳам группалар томонидан, баъзан эса айрим давлатлар қуролли кучларининг кенг иштирокида қилинмоқда. Гренадада шундай бўлди, Ливанда шундай бўлди, ҳозир Никарагуада шундай бўлаётир».

Аммо Оқ уй ҳозирги маъмуриятининг инсоният цивилизацияси яшашига хавф солувчи хатарли йўлига чек қўйилиб, ақл-идрок тантана қилишига аминман. Тинчлик тарафдорларининг кенг ҳаракати, планетада осойишталик ва хавфсизликни изчиллик билан ҳимоя этаётган Совет Иттифоқининг қатъий ва равшан сиёсати бунга гаровдир. Ўртоқ К. У. Черненконинг америкалик журналист Ж. Кингсбери-Смит ва «Правда» газетаси саволларига жавобларида шу инсонпарварлик сиёсатининг яна бир-яққол далили бор.

Бундан қирқ йил аввал гитлеризм тақрорланишига ҳеч қачон йўл қўймаслигимизга қанчалик ишонган бўлсам, тинчликсевар кучларнинг ғалабасига ҳам шундай ишонаман.

Малик ҚАЮМОВ,
кинорежиссёр, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати.

БАСТАКОР ИЖОДИГА БАҒИШЛАБ

Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғида СССР халқ артисти Муҳтор Ашрафийнинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб музика байрами бўлиб ўтди. Унда республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Р. М. Қориев бастакорнинг фаолияти, унинг жўшқин жамоат фаолияти ҳақида мароқли гапириб берди.

Музика байрамида берилган концертда Владимир Неймер раҳбарлигидаги Ўзбекистон Давлат симфоник оркестри коллективи қатнашди. Ҳамза номли музика билим юртининг «Дўстлик» рус халқ чолғу асбоблари оркестри, Ўзбекистон Давлат филармонияси-нинг «Ёр-ёр», шаҳар маданият бошқармасининг «Қизил чиннигул», «Радуга» ансамбллари ҳам қатнашиб, музика ихлосмандларини санъатнинг сеҳрли олами билан таништирдилар.

ТЕАТРНИНГ ГАСТРОЛЬ САФАРИ

БУГУН

Муқимий номидаги музикали театр коллективи Бухоро областининг Абу Али ибн Сино номидаги маданият саройида ўзининг гастролларини бошлади. Театр коллективи бу ерда таниқли ўзбек ёзувчиси Ҳамид Ғуломнинг «Мангулик», «Тошкентликлар» асарини томошабинлар диққатига ҳавола қилади.

Гастроль сафарида совет ва афғон халқларининг қардошларча дўстлигига бағишланган «Узилган торлар» асарининг премьераси ҳам бўлади. Драматург Кашшоф Амиров ва композитор Мустафо Бафоев ҳамкорликда тайёрлаган бу саҳна асари республикамизнинг шонли 60 йиллик юбилейига бағишланган.

Театр коллективи Бухорода бундан ташқари «Лайли ва Мажнун», «Тошболта ошиқ» спектакларини намойиш қилади, сатира ва юмор кечасини ўтказади. Ижодий сафарда санъат дарғоҳининг барча етук артистлари иштирок этмоқдалар.

● ФУТБОЛ

«Пахтакор»—МАСК—1:0

Кеча «Пахтакор» футбол бўйича СССР чемпионатининг навбатдаги турида ўз майдонида Марказий Армия спорт клубини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Тошкентликларга қимматли икки очко келтирган ягона тўпни учрашувнинг 24-минутида А. Якубик 11 метрли жарима белгисидан киритди.

Бу ғалабадан сўнг «Пахтакор»нинг очколари 10 тага етди. Ҳамшаҳарларимиз биринчи даврасининг сўнгги уч учрашувини Одесса, Минск ва Ленинградда ўтказадилар.

Шу турнинг кеча бўлиб ўтган бошқа учрашувлари қуйидаги натижалар билан тугади: «Қайрат» — «Торпедо»— 1:1, «Динамо» (Москва) — «Спартак» — 0:0, «Металлист» — «Арарат» — 1:0, «Днепр» — «Динамо» (Тбилиси) — 4:1, «Шахтёр» — «Нефтчи» — 3:1, «Зенит» — «Динамо» (Минск) — 4:1, «Динамо» (Киев) — АСК — 0:0, «Черноморец» — «Жальгирис» — 2:0.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг цехларини ёритиш бўйича техника лойиҳаси тасдиқланди. Бу ёритиш, бичиш, тикиш ва буюмларни намлаб-иссиқлаб қайта ишлаш поток линияларини қамраб олади. Бу янгиликни ГДРдаги «Фортшридт» фирмаси етказиб бермоқда. Поток линия костюмлар тикиш жараёнида меҳнат унумдорлигини 19,5 процент оширади.

●

Республика Киночилар уйида бўладиган Ўзбек экран усталарининг таниқли олимлар билан учрашуви «Фаннинг олдинги сафида» деб номланади. Учрашувга Тошкент Давлат университети олимлар клуби аъзолари, чет эл адабиёти бўйича мутахассислар ҳам таширф буюрадилар. Кечада фан ва кино санъати ҳамкорлиги ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар намойиш этилади.

ОБ.ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 27 даража иссиқ бўлди. Шу кеча қундузда ҳаво кам булутли, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 17—22, кундузи 32—37 даража иссиқ бўлади.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

УРУГВАЙЛИКЛАР НИМАНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДАЛАР?

Уругвайда оммавий норозилик намойишлари ва митинглар ўтказилмоқда. Лотин Америкасидаги ана шу мамлакат — Монтевидеонинг Гаванагина миллий бойлиги бўлмиш кунлари ҳақида ярим миллиондан ортиқроқ киши ёзди.

Америка пропагандасининг ёлғонларини исботлашга қаратилган «Уругвай» деган намойишлар мамлакатда инсон ҳуқуқларидан олинаётганлигининг далили» эмиш. Бироқ уругвайликларнинг асосий кўпчилиги юз бераётган воқеаларга Оқ уйдагилардан бошқача баҳо бермоқда. Мамлакат жамоатчилиги сиёсий маҳбусларнинг озод қилинишини, матбуот эркинлиги берилишини, шу йил ноябрида чинакам сайлов ўтказилишини ва бундан қарийб 10 йил муқаддам ҳокимият тепасига келган ҳарбийлар барбод этган мамлакатни идора қилишнинг демократик формаларига қайтишни талаб қилмоқдалар.

Айни вақтда АҚШ матбуоти фактларни бузиб кўрсатиб, Уругвайда «либераллашув» юз бераётганлиги тўғрисида гап сотмоқда, бошқа мамлакатларнинг газеталари эса бу мамлакатдаги ҳақиқий аҳволдан дарак берувчи аянчли рақамлар ва фактларни келтирмоқдалар. Ҳарбий диктатура йиллари мобайнида ҳар қирқ уругвайликдан бири қамоқда бўлди. 1.200 нафардан кўпроқ сиёсий арбоблар ва касаба союз раҳбарлари қамоқхоналарда азоб чекмоқда. Францияда чиқадиган «Юманите» газетасининг ёзишича, улар доимий жисмоний ўч олиниш хавфи остидадирлар. Уругвайда сиёсий маҳбусларнинг кўпинча «дом-дараксиз» йўқолаётганлиги жаҳон жамоатчилигини айниқса ташвишлантирмоқда. Маҳфий соқчилар қўйиниб, одамларни кузатиб юриш оддий иш бўлиб қолди. Маҳбусларни ваҳшийларча азоблашмоқдалар, ҳақорат қилмоқдалар, очликда сақламоқдалар.

Уругвайни Лотин Америкасидаги энг шафқатсиз полиция давлатларидан бирига айлантириб қўйган бошқа репрессия чоралари ҳам ишга солинмоқда. Улар орасида сиёсий фаолиятда иштирок этишни таъқиқлаш чораси ҳам бор. Сўл кайфиятда эканлигида шубҳаланган 15 минг кишига шундай айб қўйилиб, сиёсий фаолиятдан четлаштирилган. Мамлакат барча аҳолисининг «ғоявий қарашлари» компьютерлар ёрдамида текширилмоқда.

Уругвай меҳнаткашларининг иқтисодий аҳволи тобора мушкуллашмоқда. Кейинги йилларда бу мамлакатда инфляция 500 процентга етди, мамлакатдаги ҳар тўрт кишидан бири ишсиздир. Бунинг натижасида Уругвай жаҳонда аянчли «рекордга» эришди: 1 миллион аҳолиси ёки барча меҳнаткашларнинг тахминан учдан бир қисми кун кечириш учун иш топиш мақсадида мамлакатни тарк этмоқда.

Уругвайда воқеаларнинг шу тарзда ривожланиб бораётганлиги рейганча «инсон ҳуқуқлари» тушунчасига жуда мос келмоқда. Аммо Уругвай шаҳарларини тўлдириб бораётган намойишчилар «Рейган золимларни қўллаб-қувватламоқда», «Вашингтон — Уругвайдаги диктатуранинг таянчи» деган сўзлар ёзилган шиорларни кўтариб бораётганликлари бежиз эмас, албатта.

С. КУЛИК,
ТАСС шарҳчиси.

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

МУСОБАҚА ОММАВИЙ ВА ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

Меҳнат, планлаштириш ва технология интизоми мунтазам боришига, бир маромда юқори сифат билан ишлашга эришилсин

Партия экономикани бошқаришни кенг жабҳада такомиллаштиришни, хўжалик механизмини қайта қуришни авж олдириб юбориш тўғрисидаги масалани ҳам жуда ўткир масала қилиб ўртага қўймоқда.

К. У. ЧЕРНЕНКО.

ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА

Ленин ва Фрунзе районлари мусобақаси

Мусобақалашаётган районлар саноат корхоналарининг коллективлари асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича йилнинг январь-май ойлари ишлаб чиқариш планини муваффақият билан бажардилар. Шаҳар статистика бошқармаси маълумотларига қараганда, саноат маҳсулотини реализация қилиш ҳажми бўйича топшириқ Ленин районида 2,2 процентга ортиғи билан бажарилган. Фрунзе райони корхоналари эса шу кўрсаткич бўйича давлат планини бажаролмади. Пландаги миқдорга нисбатан 1.001 минг сўмлик буюмлар етказиб берилмади. Беш ой мобайнида Ленин райони 3.848 минг сўмлик маҳсулотни планга қўшимча реализация қилишга муваффақ бўлди.

Товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми иккала районда 104,1 ва 98,6 процентни ташкил этди. Товар маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,3 ва 0,1 процентни ташкил этди.

Ленин районида меҳнат унумдорлиги бўйича план 104,6 процентга, Фрунзе районида эса 99,5 процентга бажарилди. Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Ленин районида 5,6 процентга ошди. Фрунзе районида эса бу кўрсаткич атиги 98,8 процентни ташкил этди. Кейинги йилда товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми Ленин районида 6.542 минг, Фрунзе районида эса 323 минг сўмликка ўсди. Товар маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстиришга Ленин районида меҳнат самарадорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Фрунзе район саноат корхоналари эса бу кўрсаткични бажаролмади.

Химия-фармацевтика заводи, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, медицина аппаратларини ремонт қилиш устахонаси (Ленин район), пластмасса буюмлари ва маиший химия заводи (Фрунзе район) сингари корхоналарда кейинги йилда ишлаб чиқариш ҳажми 10 процентдан ҳам ортиқ ўсди.

Бироқ барча корхоналар ҳам техник-иқтисодий кўрсаткичларни бажаришга муваффақ бўлди, деб айтиб бўлмайди. Фрунзе районидаги тўқимачилик комбинати маҳсулот реализация қилиш бўйича давлат планини бажара олмади. Натижада 1 миллион 284 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилмади. Шунингдек, 1-пойафзал фабрикаси 260 минг сўмлик, «Силикат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси 58 минг сўмлик маҳсулотни ўз вақтида етказиб беролмадилар.

Бу корхоналар товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда меҳнат самарадорлигини ошириш бўйича беш ойлик топшириқни бажаролмадилар.

Тўқимачилик комбинати, 1-пойафзал фабрикаси, хўжалик моллари заводи, «Ташхимсельмаш» каби корхоналар меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент кўпайтириш бўйича қабул қилинган социалистик мажбуриятларни уддалай олмадилар.

«Ташгекстильмаш» заводи, «Промстройкомплект» бирлашмаси (Фрунзе район), тепловоз ремонти заводи (Ленин район) сингари корхоналар пландан ташқари маҳсулот таннархини 0,5 процентга камайтириш бўйича олган социалистик мажбуриятларини бажармадилар.

Тепловоз ремонти, электрон техника заводлари, каноп фабрикаси, (Ленин район), «Ташгекстильмаш», хўжалик моллари заводлари, тўқимачилик комбинати, «Промстройкомплект» бирлашмаси, 1-пойафзал фабрикаси (Фрунзе район) сингари корхоналар шартнома бўйича маҳсулот етказиб беришни ҳисобга олган ҳолда реализация ҳажми бўйича планни уддалай олмадилар.

«Ташгекстильмаш» заводи, «Отделстрой» трестига қарашли қурилиш материаллари комбинати, тепловоз ремонти заводи сингари корхоналар маҳсулот таннархининг нормадагидан қимматлашувига йўл қўйдилар.

Ленин районида давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқариш маҳсулот умумий ҳажмида 25,1 процентни, Фрунзе районида эса 13,9 процентни ташкил этди.

Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича беш ойлик план иккала районда 107,6 ҳамда 94,6 процентни ташкил этди. Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Ленин районида 10 процентга, Фрунзе районида эса атиги 3,2 процентга ўсди. Бу кўрсаткич бўйича Фрунзе райони планни бажармади. «Ташхимсельмаш» заводи, саноат қурилиши материаллари, тўқимачилик комбинатлари, 1-пойафзал фабрикаси халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича беш ойлик планни бажаролмадилар.

Йилнинг январь-май ойлари якунларини Ленин район партия комитетининг саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа бўлими мудири Б. АҲМЕДОВ шарҳлайди:

— Беш йилликнинг тўртинчи йили бошланишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти матбаачиларни меҳнат самарадорлигини пландан ташқари 2 процент кўпайтириш, маҳсулот таннархини эса 0,6 процент камайтиришни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олган эдилар. Кийим моделлари уйи тикувчиларининг социалистик мажбуриятларида ҳам худди шундай бандлар битилган.

Қимматли ташаббусни районнинг барча ишлаб чиқариш коллективлари қўллаб-қувватлаб чиқдилар. Ана шу мажбуриятлардан келиб чиққан ҳолда Ленин район индустрияси ходимлари меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1,2 процент кўпайтириш, маҳсулот таннархини эса 0,6 процент камайтиришга аҳд қилдилар. Йил давомида саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг ўсиш суръатини 5 процентга ўстириш, саноат маҳсулоти ўсишининг 90-95 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш ҳисобига эришиш тадбирлари белгиланди. Ана шу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида йилнинг фақатгина беш ойи давомида 7,5 миллион сўмлик планга қўшимча маҳсулот тайёрланга эришилди. Бу — район меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети декабрь (1983 йил) Пленуми қарорларига берган амалий жавобидир.

Саноат коллективларининг техник-иқтисодий фаолиятининг беш ойлик якунларига кўра меҳнат унумдорлиги бўйича топшириқни бажариш ва уни 1—1,2 процентга ўстириш, маҳсулот таннархини эса 0,6 процентга камайтириш аксарият корхоналар учун табиий ҳолдир.

Моделлар уйи коллективи меҳнат унумдорлигини 13,9 процент, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси чеварлари 7,1 процент, саноат қурилиши материаллари тажриба механика заводи коллективи эса 5,9 процентга кўпайтиришга эришдилар. Асосий маҳсулотларнинг таннархини камайтириш таъминланди. «Средазэлектроаппарат» бирлашмасида бу кўрсаткич 2,4 процент, автомобиль ремонти заводида эса 0,9 процентни ташкил этди.

Бу корхоналарнинг партия ташкилотлари ишлаб чиқариш дарғалари билан коллективларда белгиланган топшириқ ва мажбуриятларни адо этиш бўйича энг самарали омил ва имкониятлардан фойдаландилар.

Меҳнат самарадорлигини ўстириш бўйича план-топшириқларнинг бажарилишида майда-чуйда юмушларнинг йўқлиги тажрибада аллақачон исботланган. Бу масалаларга эътиборни сусайтириш эса қолоқликка олиб келади.

Жумладан, «Ташхимсельмаш» заводи машинасозлари меҳнат самарадорлигини ошириш бўйича олинган мажбуриятларга етиш учун 0,7 процентлик ишни бажармадилар. Бунга корхонанинг асосий цехлари эмас, балки кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган участкалар айбдордирлар.

Маҳсулот таннархини камайтириш бўйича олинган социалистик мажбуриятларни тепловоз ремонти заводи ҳам бажармади. Бу корхона шунингдек маҳсулот таннархини камайтириш бўйича 18 минг сўмлик маблағни нормадан ташқари сарфлаган.

Хўжалик фаолияти якунлари бўйича электрон техника, 8-автомобиль ремонти заводлари, каноп фабрикаси сингари корхоналар маҳсулот ишлаб чиқаришда 217 минг сўмлик ортиқча материал сарфлашга йўл қўйдилар.

Бажарилаётган иш моҳияти меҳнат фаолиятини жадаллаштириш, ишга ижодий муносабатда бўлишни юксалтириш, шунингдек, новаторлар ва илғорлар тажрибасидан кенг кўламда фойдаланишни тақозо этади. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот таннархини мунтазам камайтириб боришни таъминлаш, план-топшириқлар н и амалга ошириш учун моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бугунги кунда ишлаб чиқариш коллективлари олдидаги энг муҳим вазифадир.



Мусобақалашаётган Ленин ва Фрунзе райони коллективлари серқуёш днёримизнинг шонли 60 йиллик юбилейини меҳнатда катта кўрсаткичлар билан кутиб олиш учун курашмоқдалар. «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда экспериментал фурнитура-пластмасса заводи коллективлари юбилейга бағишланган социалистик мусобақада пешқадамлик қилишмоқда.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) «Тўққизлар ташаббуси» ҳаракатининг қатнашчиси Ольга Павлова бригадаси участкасида: мастер Р. Семёнова (ўртада) ёш тикувчилар билан («Қизил тонг»).

С. Абдуллаев (ўнгдан биринчи) бошлиқ илғор бригада аъзолари ҳозирги кунда 1984 йилнинг сентябрь ойи ҳисобига меҳнат қилишмоқда. (Экспериментал фурнитура-пластмасса заводи).

Т. Каримов фотолари.



• *Қолоқларни маълум қиламиз*

БОЙ БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТЛАР

Собир Раҳимов район корхоналари социалистик мажбуриятларини амалга ошира бориб, асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича тўрт ойлик планни муваффақиятли адо этдилар. Планга қўшимча қарийб 1.653 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4.9 процент, меҳнат унумдорлиги эса 5,4 процент юксалди. Район индустрияси бир маромда ишлаяпти.

Шунга қарамасдан икки корхона қолоқлар сафида қолиб, реализация ҳажми бўйича ҳам, товар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳам планни бажаришмади. Улар қаторида подшипник ремонти заводи ҳам бор. Бу корхона 191 минг сўмлик маҳсулот бермади.

Қолоқликнинг сабаби нимада? Корхонада қолоқликни бартараф этиш учун нималар қилиняпти? Мана шу саволларга қуйида корхона бошлиғи жавоб беради.

Э. ШПИГУН,
СССР Автомобиль саноати министрлигининг подшипник заводи директори:

— Белгиланган планнинг бажарилмай қолишининг асосий сабабларидан бири завод қуввати етарли эмаслигидадир. Мавжуд ускуналар ҳар жиҳатдан эскиб қолди.

Жумладан, сиртқи ҳалқаларни ялпи ишлаб чиқарадиган машина паркининг ярми жуда ёмон техник аҳволда. Уларни ё рўйхатдан чиқариб ташлаш ёки капитал ремонт қилиш керак. Иккинчи вазифани амалга оширишга заводнинг техник хизматлари қодир эмас. Деталнинг ички ҳалқаларини ишловдан чиқарадиган участкадаги ускуналарнинг ҳам аҳволи худди ана шундай.

Ушбу масалани корхона юқори ташкилот — Бутуниттифоқ «Союзподшипник» ишлаб чиқариш бирлашмаси олдига қўйди. Жумладан, бир юксак унумли ускуналар билан таъминлашни, заводга техник ёрдам кўрсатишни бир неча марта талаб этдик. Бироқ, ижобий натижаларга эришолмадик. Фақат 1985 йилда буюртмамиз қабул қилинди ва зарур ускуналардан 10 таси ажратиладиган бўлди.

Подшипникларни тиклашга келганда, бу масала фақат подшипниклар планли равишда ва ўз вақтида кооперация йўли билан комплектловчи деталлар — шарлар, ҳалқалар, сепаратор ва бошқалар билан таъминланганлигига ҳал этилади.

Ажратилган фондлардан (1, 2, 4-Давлат подшипник заводлари билан маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома тузилган), ўтган тўрт ой мобайнида планлаштирилган, кооперация бўйича етказиб бериладиган деталларнинг 60 процентинигина олдик. Улар ҳам тўла комплектда олинмади.

Булар ҳаммаси заводда апрель ойи ишлаб чиқариш программаси бажарилмаслигига олиб келди.

Яқинда корхонада Бутуниттифоқ «Союзподшипник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг комиссияси бўлди. Бу комиссия қолоқлик сабабларини аниқлади, белгиланган йиллик давлат планининг бажарилишини таъминлашда корхонага ёрдам бериш бўйича тадбирлар белгилади.

БИЗНИНГ ШАРҲИМИЗ: шаҳримиздаги кўпгина бирлашмалар, заводлар ва фабрикаларнинг коллективлари фан ва техника тараққиёти натижаларидан қувонаётганлигининг гувоҳимиз. Аммо бу нарса Тошкентдаги ихтисослашган корхона — Тошкент подшипник ремонти заводини четлаб ўтганга ўхшайди. Ҳозир бу завод жойлашган шаҳарнинг шимолий саноат зонасида бирон-бир корхона бўлмасинки, ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва техник қайта қуроллантириш планларини амалга оширмаётган бўлсин. Бу ерда айнан шу йўл билан меҳнат самарадорлиги ва сифатининг кескин ўсишига эришиляпти. Фақат подшипник ремонти заводидагина сўнгги ўн беш йил мобайнида ҳеч нарса ўзгармади. Ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари, шу жумладан, станоклар янгиланмади.

Ўйлаймизки, бу мисолда корхона раҳбарларининг ва бу заводдаги техник қолоқлик ва ишлаб чиқариш маданиятининг пастлиги билан мурosa қилган Бутуниттифоқ «Союзподшипник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг позицияси аққол намоён бўляпти.

Бу ерда корхонанинг ўзида ҳам бир қатор долзарб масалалар, жумладан, хизматларнинг ишлаб чиқариш структураси такомиллаштирилмаган.

Корхонага ўн йиллар мобайнида етарли миқдорда замонавий ускуналар ажратилмаяпти. Бу ҳолда раҳбарлар нима қилишлари керак? Биринчидан, техникани янгилаш масаласини билиб ва жадал ҳал этишлари, иккинчи томондан ускуналарни талаб этилган техник даражада сақлаш мақсадида ремонт хизматини ривожлантиришлари лозим. Корхонада бунисн ҳам, унисн ҳам қилинмади.

Шу йилнинг апрель—майида планлар бажарилмаганлиги тасодиф эмас, балки ишлаб чиқариш аҳволининг объектив ифодасидир.

Ишнинг манфаатлари завод раҳбарларидан ишлаб чиқаришни қолоқликдан олиб чиқиш учун дарҳол самарали чора-тадбирлар кўришни, шунингдек корхона фаолиятининг истиқболли масалаларини ҳал этишни тақозо этади. Бу ғоят муҳим, чунки, Тошкент подшипник ремонти заводи қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва пахтачилик эҳтиёжлари учун минглаб подшипникларни ремонт қилиб беради.

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

ҚОҲИРА. Араб мамлакатлари иттифоқи ва бошқа халқаро ташкилотларнинг баҳоларига кўра араб дунёси мамлакатларида нефть запаслари шу йилнинг бошларида 349,7 миллиард баррел (бир баррел—159 литр)ни ташкил этади. Ана шу ресурсларни қазиб олишнинг ҳозирги суръатлари сақланиб қолган тақдирда бу ресурслар 75 йилга етади.

Араб мамлакатлари ўртасида Саудия Арабистони разведка қилинган запаслар бўйича биринчи ўринни эгаллайди. — 165,3 миллиард баррель. Шундан кейинги ўринларда Қувайт (67,1 миллиард) ва Ироқ (41 миллиард баррел) боришмоқда. Жаҳондаги барча маълум «қора олтин» запасларининг 52 процентн араб мамлакатларидадир. Ҳозирги вақтда улар жаҳондаги барча нефтнинг тахминан тўртдан бир қисмини қазиб чиқармоқдалар.

* * *

ЖАЗОИР. Жазоирда донли экинлар ўримйиғим кампанияси суръати кучаймоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра бу йил донннинг ярмидан кўпроғи қурғоқчиликдан бошқаларга қарағанда камроқ зарар кўрган Шимолий—Шарқий областлардан йиғиштириб олинади. Ҳосилни қисқа муддатларда ва нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиш учун самарали чоралар кўрилмоқда. АПС агентлигининг хабар қилишича, қурғоқ келган ўтган йилга нисбатан бу йилги мавсумда мўл ҳосил олиниши кутилмоқда.

* * *

ДАМАШҚ. Исроил босқинчилари арабларни сувдан маҳрум этиб, Иордан дарёси ғарбий соҳилидаги ва Ғазо секторидаги туб аҳолини азалий ерлардан чўл районларга суриб чиқариш ниятидадирлар. Фаластин ВАФА агентлигининг хабар қилишича, ёз фасли бошларидан Ал-ҳалил шаҳрига ва яқин атрофдаги араб қишлоқларига ичимлик сув берилиши тўхтатиб қўйилган. Маҳаллий аҳолига сувдан далалар ва томорқаларни суғориш учун фойдаланишга ҳам рухсат бермаяптилар.

Исроил босқинчиларининг бундай жиноий иши, деб уқтиради ВАФА агентлиги, арабларнинг минглаб оилаларини ночор аҳволда қолдирди, жазирама кунда сувсиз қолган ана шу оилалар ёш болалари билан ўз жойларини тарк этишга ва обиҳаёт манбаларини қидириб, жўнаб кетишга мажбур бўлмоқдалар. Айни вақтда босқинчилар арабларни сув ғамлаб олиш имкониятидан маҳрум этиш учун ҳар бир хонадондаги барча сув чонларини йўқотишга қарор қилдилар.

* * *

БАҒДОД. Ироқда кейинги уч йил мобайнида салкам ярим миллионта янги телефон линияси ишлай бошлади. Давлат почта-телеграф ва телефон ташкилотининг директори ИНА агентлиги мухбири билан суҳбатда маълум қилганидек, ҳозирги вақтда республика телефон тармоқлари абонентларининг сони 750 мингдан ошиб кетди. Бу 15 йил илгаригига қараганда саккиз баравар кўпдир.

Ироқ ҳукумати бутун мамлакатнинг жадал социал-иқтисодий ривожланишини ҳисобга олиб, энг олис районларда телефон тармоқларини ривожлантириш тадбирларини кўрмоқда. Белгиланган программа доирасида шу йил охиригача Ироқнинг ўрта ҳисобда ҳар ўн беш аҳолисидан бири телефон алоқаси билан таъминланади.



БОЛГАРИЯ. Видин округининг район марказ — Белоградчик шаҳрига йўл олаётган туристлар шаҳар яқинида албатта тўхтаб, ажойиб манзарадан баҳра оладилар. Уларнинг кўз олдида турли шаклдаги улкан тошлар намоён бўлади. Сутка давомида қуёшнинг ҳар хил ҳолатига қараб, улар ҳар хил ҳайвонлар ва кишиларга ўхшаб кетади. Қоялар этагида машҳур Белоградчик қалъаси сақланиб қолган. Қалъа милодий 1-асрда қурилган.

СУРАТДА: Белоградчик қалъаси афсонавий қоялар қўйнида. 1973—1977 йиллар.

Олий мактаб янгиликлари

УЛЬТРАТОВУШ ПАЙВАНДЛАЙДИ

Парча-парча пластмасса деталлар пресс остига қўйилади ва ультратовуш ишга солинади. Махсус датчиклар бир неча секунддан сўнг пайвандлаш жараёни тугаганини маълум қилади. Шундай қилиб автоматдан биронта ҳам чоки бўлмаган ғоятда пишиқ буюм чиқариб берилади.

Тошкент Автомобиль-йўл институти олимларининг бир группаси шундай пайвандлаш методини ишлаб чиқди ва бу метод халқ хўжалигида қўлланма бошлади. Унинг ёрдами билан рўзғор ашёлари, болалар ўйинчоқлари тайёрланмоқда. У «Ташсельмаш» заводида пахта териш машиналарининг шпинделлари учун чиқариб олинадиган чўткалар тайёрлашда қўлланди. Бундай автоматлар «Ўзбитпластик» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида, Кировоканадаги синтетик тола заводида, Жиззахдаги пластмасса заводида, Ўзбекистондаги ва ундан ташқаридаги бошқа корхоналарда қўлланмоқда.

Болгариянинг буюртмасига биноан автокарлар учун пластмасса аккумулятор батареяларини ультратовуш билан пайвандлашни ўзлаштиришга тайёргарлик бормоқда. Бу иш Украина ССР Фанлар академияси Е. О. Потон номидаги электропайвандлаш институти билан ҳамкорликда бажарилмоқда.

(ЎзТАГ).

2 Тошкент бет. оқшоми
20 ИЮНЬ, 1984 й.

ЎЗБЕКИСТОН ВАКИЛЛАРИ МОЗАМБИКДА

МАПУТУ. Ўзбекистон ССРдан келган мутахассислар Мозамбик Халқ Республикасига қардошлик ёрдами беришда актив қатнашмоқдалар. Улар ёш республиканинг экономикаси, фани, маданиятини ривожлантиришда амалий ҳисса қўшмоқдалар. Совет мутахассислари катта амалий ва илмий ишдан ташқари МХР халқ хўжалигининг кўп тармоқлари учун миллий малакали кадрлар тайёрламоқдалар.

«Оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштиришда мозамбикликларга кўмаклашаётган ўзбек пахтакорлари Нампула вилоятида самарали меҳнат қилмоқдалар. Йўлдош Ҳусанбоев бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар пахтачилик илмий-тадқиқот марказида муҳим ишни амалга оширмоқдалар. Йўлдош Икромов раҳбарлигидаги бир гуруҳ селекционерлар ғўзанинг янги навларини синаб кўрмоқдалар ва уларни етиштиришга оид тавсияларр бермоқдалар.

Мапутуда Муборак ва Аҳмад Зокировлар ошласи шуҳрат қозонган. Аҳмад МХР пойтахтидаги марказий госпиталда бир ярим мингтага яқин жарроҳлик операцияси ўтказди. Муборак эса терапевт бўлиб ишламоқда У беморларга меҳрибонлиги ва эътибор билан қараши туфайли Мапуту аҳолисининг зўр ҳурматига сазовор бўлди.

Нампула вилоятнинг марказий госпиталида бир неча йилдан бери ишлаётган гинеколог-врач Матлаб Расуловни мозамбикликлар миннатдорчилик билан эсга оладилар. Бейрада чиқадиган «Днарну дн Мозамбик» газетаси М. Расуловга бағишлаб махсус мақола босиб чиқарди. Унда ўзбек врачининг юксак малакаси, унинг ҳар доим одамларга ёрдам беришга тайёр бўлиб туриши уқтирнб ўтилган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси сейсмологня институтининг Мкродил Зокиров бошлиқ мутахассислари Мозамбик метеорологня хизматини яхшилаш учун кўп иш қилмоқдалар. У ўз ўртоқлари Журавев ва Ёлтўшкин билан бирга МХР пойтахтида ...ни ривожлантиришга ёрдам бермоқда.

Сўл республикасининг Ўзбекистон ... мозамбикликлар ... муносиб ... ва ... Ленинград ... ...сининг ... ...ришнинг ... ...шлаб чиқариш ... ...моқда.

Ўзбекистон ... план ҳужжатларини ... институтидан ... профессор Ғ. ... ...ни ҳақида ... топширилган. ... ...сси ҳужжатлари ... ...ларга ҳам очиқ. ... Тошкентда кунда ... «Ҳақиқат» ...ги ...мон» ... ...ва медаллар ... ...ги ...

ҚИ ЁКИ

Ҳозирги ку... Советларнинг ... фонди 7517 у... минг квартир... Уларда 760 м... киши истиқ... Шаҳарнинг б... нида жорий ре... ни бажариш у... эксплуатацияси... риш трестлари... илган. Ҳар й... уларнинг участ... томонидан ис... та тайёргарли... бирлар плани ... дан. Унга б... системалари ... ...ҳаво ўтказили... бинолари ка... қилиниши, ... системасини ... маштириш ва ... ...ларнинг бир қ...





ТОШКЕНТДА ОНАЛИК ШУҲРАТИ БАЙРАМИ, ОИЛА БАЙРАМИ БЎЛИБ ЎТДИ





Совет турмуш тарзи

КАТТА ХОНАДОН ҚУВОНЧИ

Меҳнаткаш аёлларга, оналарга бағишланган байрамларни ўтказиш анъанага айланиб қолди. Бундай байрамлар, илҳомбахш, ажойиб учрашувлар билан ўтади. Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган байрамни ҳақли равишда онла байрами, деб аташ мумкин.

Ўн минглаб ажойиб, намунали оналар хизматини қилаётган Ўзбекистон пойтахти — Тошкентда бундай учрашувлар ўтказиш одат тусига кириб боряпти. Республикамиз юбилейига ва СССР Олий Совети Президиумининг «Қаҳрамон она» унвонини таъсис этиш тўғрисидаги қарорининг 40 йиллигига бағишланган бу маросим минглаб кишилар даврасини, гуллар оламини, болалар ва катталарнинг бир олам қувончини қамраб олди. «Оналик шуҳрати» театрлаштирилган байрамида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари В. А. Алавутдинова ва Ўзбекистон ССР социал таъминот министри Х. Е. Еқубжонова қатнашдилар.

Тошкентликлар маросим бошланишидан бир неча соат олдин бегда тўпланишди. Дамма бугун Улуғ Октябрь замонасида туғилган, оддий совет оиласидан бири — 14 фарзандни тарбиялаб вояга етказаётган Қамонов ларнинг ҳонадони шарафланишини яхши билади. Богда партия ва ҳукуматимизнинг ҳамон ғамхўрлиги ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма ҳам очилган. Фанлар Тошкентда бугуни кунда 1589 ета «Қаҳрамон она» ҳаврий унвонига эга. Бўп болали оналарга рденлар ва медаллар Бериш тўғрисидаги Фармон тасдиқланган 1944 йилдан буён 99 мингдан ортиқ киши ана шу олий мукофотга сазовор бўлди. Бундан 40 йил муқаддам Фармонда Д. Дадамухамедова, А. Ҳакимова, Л. Исломова, Н. Николаеваларнинг фамилиялари биринчилардан бўлиб ёзилганди. Орадан 40 йил ўтгандан кейин бугунги байрамда М. Мирзабоева, В. Ҳайитбоева, М. Холиқова, М. Рихсибоева, Д. Каримова, М. Турсунова ва бошқаларнинг фамилиялари янграмоқда.

Байрам позивнойи янгради. Дикторлар Галина Мельникова ва Насиба Қамбарова байрамни очишади. Ёзги театрни кичик гражданлар тўлдиришмоқда. Улар — шаҳримизнинг ўн районидан ёш вакиллари — Усмоновлар ҳонадонини рақслар билан қутлашмоқда. 25 йилдан буён оила қуриб келаётган эр ва хотин фахрли супага таклиф қилинадилар. Улар болалар гуж бўлиб ҳосил этган жонли йўлакдан оллқишлар остида ўтиб боришмоқда. Байрамни бошқариб бораётган дикторлар оила ҳақида, уларнинг фарзандлари ҳақида гапириб беришяпти. Оиланинг отаси Мирза ака Усмонов. У 46 ёшда. Мана 25 йилдан буён чинни заводида меҳнат қилиб келяпти. Коммунист, ишлаб чиқариш илғори, социалистик мусобақа ғолиби бўлган бу ишчи бугунги кунда Усмоновлар янги авлодининг бошлиғи. Катта қизи Гўзал ТошДУнинг филология факультетини битириб, олий маълумот олди. 124-мактабда педагог бўлиб ишлайди, турмушга чиққан, уч фарзанди бор. Катта ўғил—Баҳодир Совет Армияси сафида хизматини адо этган. Механик бўлиб ишлайди, КПСС аъзоси, ТошПИ кечки бўлимининг учинчи курсида ўқийди. Дилдора 21 ёшда, ТошПИнинг химия факультетида ўқийди. Ботир 20 ёшда. У Совет Армияси сафида хизмат қилмоқда. Гулихон отаси билан бирга заводда ишлайди ва кечки мактабда ўқийди. Тоҳир, Ширин, Қаҳрамон, Бахтиёр, Дилшод, Шаҳло, Зулфия 124-мактабда ўқишади. Фарзандларнинг энг кичиги Даврон 5 ёшда, Дилафрўз 4 ёшда. Уйда онасининг бағрида тарбияланяпти. Бу тотув ва аҳил оила Тошкентнинг Акмал Икромов районидаги Дилкаш кўчасида, 47-уйда яшайди. Назира опа 20 йилдан буён бадиий буюмлар фабрикасининг дўппи цехида ишлаб келмоқда.

У ёшлигида дугоналари каби дўппи тикиш билан шуғулланар эди. Мактабни битиргандан кейин техникумга ўқишга кирди, турмушга чиқди. Фарзандлар дунёга кела бошлади. Уша пайтда қиз болалигидаги ҳунарини эслаб қолди. Фабрикада унга иш ўргатишди. У ерда асосан кўп болали оналар меҳнат қилишади.

— Биласизми, — дейди у майин табассум билан, чинакам соҳибжамол, ёшлик гўзаллигини сақлаб қолган, рус тилини бурро гапирадиган дилбар аёл. — Мен турмушга чиққанимда қайнонам Қаҳрамон она Зуҳра опа Абдуллаева бундай деган эдилар: «Фарзанд кўриш ғоятда қувончли, лекин уларни тарбиялаш машаққатли, бу иш жуда кўп куч ва саломатликни тақозо этади... Турмуш ўртоғим қайнонамнинг тўғрич фарзанди бўлган. Мен ўшанда шундай деб жавоб берган эдим. «Мен ҳам сиз каби ували-жували бўлай». Нима учун? Ўшанда мен бу сўзнинг маъносига чуқур тушунмаган эдим. Энди бемалол айта оламанки, турмушимизнинг барча гўзаллигини мана шу фарзандлар мустаҳкамлаб туришибди. Биз ўзимизнинг ота-оналик бурчимизни бажаришимиз лозим.

СССР Олий Советининг сессиясида халқ ўқитувчиси — маънавий шахснинг илҳомчиси, жамиятнинг ишончли кишиси деб таъкидланди. Ота-оналар ҳам педагоглар ва улар ёш авлодни тарбиялашда мактабга ёрдам беришмоқда. Биз эр-хотин ҳам шундай деб ҳисоблаймиз.

— Бизга осон деб ўйлайсизми? Йўқ. Лекин ҳозирда болаларнинг қўлидан иш келиб қолди. Биласизми, катта ўғлимиз мактабда аъло ўқиган эди, 8-синфни битиргандан кейин бизга ёрдам беришга жазм этди. Армия хизматини ўтаб бўлгач, ишга кирди, ТошПИда кечқурун ўқиди. 18 ёшли Гулихон отасининг заводига бориб ишлаяпти, у ҳам кечки мактабда ўқийди. Турмуш ўртоғим билан фарзанд тарбиялашда тўғри йўл тутаяпмиз, деб ҳисоблаймиз. Майли, болаларимиз ишлашаверсин. Меҳнатнинг, ҳаётнинг қадрига етадиган бўлишсин.

Оила ва меҳнат, меҳнат ва оила — жамиятимиз асосининг асосидир. Аҳил, тотув оилаларда одатда соғлом авлод ўсиб, вояга етади.

Боғда байрам давом этмоқда. Бу ерда Тошкентнинг 2 миллионинчи фарзанди бўлиб туғилган Саодат Дадахонова онасининг қўлида ўтирибди. Саҳнага ҳаваскор артистлар бири-кетин чиқишмоқда.

Шаҳримизда 16 мингга яқин кўп болали она давлат нафақаси олади.

Байрам давом этмоқда, у авжига чиқиб боряпти. Биз бу ерда Усмоновлар хонадонининг энг қувончли дамларига шерик бўлдик. Оналик шуҳрати байрамига Совет Армиясининг жанговар ва сиёсий тайёргарлик бўйича аълочи солдати Ботир Усмонов ота-онасини ва меҳмонларни муборакбод этгани етиб келган. Бу ота-она учун энг қимматли совға бўлди.

Мамлакатимизда жуда кўп шаҳарлар ўзининг қўшиқ, спорт, поэзия байрамлари билан ном қозонган. Тошкент Совет Шарқида тинчлик ва дўстлик шаҳри эканлигини ҳамма яхши билади. Ўн минглаб кўп болали оилалар истиқомат қилаётган шаҳар фарзандлари ҳаётни, меҳнатни севишади. Шунинг учун ҳам уларнинг байрамини Фаровонлик, Бахт, Нур ва Тинчлик байрами деб атаймиз.

А. ПЎЛАТОВ.

* * *

СУРАТЛАРДА: Қарнайлар байрам бошланганлигидан дарак бермоқда; байрам қаҳрамонлари— кўп болали оналар; кўп болали оналардан бири; «Салом, ўғлим!» —демоқда Мирза ака Усмонов.

Тошкент—Олмаота шахмат матчи

ТОШКЕНТ—ОЛМАОТА ШАХМАТ МАТЧИ

13 июнда газетамизда сиртқи «Дўстлик матчи»нинг ҳар икки тахтасида тошкентлик шахмат мухлисларининг навбатдаги юришларн эълон қилинган эди. Улар биринчи тахтада c!8—c5 ўзларн оқ доналар билан ўйнаётган иккинчи тахтада эса Кf3—e5 юришини эълон қилишган эди. Бу юришлар «Вечерняя Алма-Ата» газетасининг 13 июнь сонида эълон қилинди.

Олмаоталик шахмат мухлисларн ўйлаш учун ажратилган бир ҳафта муддатдан фойдаланиб газетхонларимиз н и н г Кf3—e5 юришига Кf6—d7 билан жавоб беришди, ўзларн оқ доналар билан ўйнаётган биринчи тахтада эса навбатдаги тўққизинчи юришни Сc!—g5 эълон қилишдн.

ОЛМАОТА—ТОШКЕНТ



ТОШКЕНТ — ОЛМАОТА



Ҳурматли газетхонлар. Ҳар икки тахтадаги вазиятни баҳолаб кўринг. Олмаоталиклар н и н г Сc!—g5 юришига қандай жавоб бериши таклиф қиласиз. Ўзингиз оқ доналарда ўйнаётган иккинчи тахтада навбатдаги ўнинчи юриш қандай бўлиши керак! Бу ҳақдаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз. Биринчи бўлиб энг мақбул юришларни таклиф этганларнинг исм ва фамилиялари газетамизда эълон қилинади.

Эслатиб ўтамиз, Тошкент—Олмаота сиртқи шахмат матчида «Тошкент оқшоми» томонида баҳс юритаётганларининг сафи 521 кишига етди. Бирок сабабга кўра бехабар қолганлар бемалол баҳсга қўшилишларн мумкин.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳри, ГСП, Ленин кўчаси, 41, «Тошкент оқшоми» [«Дўстлик матчи»]га. Таклифларингизни 330874, 325885, 325680, 322581 телефонларн орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.

«АСР МАТЧИ»

Июнь ойининг учинчи декадасида Италияда шахмат бўйича СССР ва жаҳон терма командаси ўртасида матч ўтказилади. Бундай матч 1970 йилда биринчи марта Белград шаҳрида ўтказилган бўлиб, у тарихга «Аср матчи» номи билан кирган. Учрашувда 20,5:19,5 ҳисобида совет шахматчилари ғолиб чиқишган эди.

Бу сафарги терма командалар составида қуйидаги ўйинчилар иштирок этишн мўлжалланмоқда. СССР терма командаси составида жаҳон чемпиони А. Карпов, чемпионликка даъвогар Г. Каспаров, собиқ жаҳон чемпионлари Т. Петросян, В. Смислов, М. Таль, халқаро гроссмейстерлар А. Белявский, Р. Ваганян, Л. Полугаевский, О. Романишин, В. Тукмаков, А. Юсупов, бу йилги СССР чемпиони А. Соколов.

Жаҳон терма командаси составига гроссмейстерлардан швециялик У. Андерсон, чехословакиялик В. Горт, швейцариялик В. Корчной, даниялик Б. Ларсен, югославиялик Л. Любоевич, англиялик Э. Майлс, венгриялик З. Рибли, АҚШдан Я. Сейраван, нидерландиялик Я. Тимман, филиппинлик Э. Торре, ГФРдан Р. Хюбнер кирган.

Матч аввалги тартибда ўтказилади. Ўн тахтада тўрттадан учрашув бўлади. Ҳар бир команда составида ўн асосий ва икки запас ўйинчи бор.

Матч жаҳон шахмат тарихида йирик воқеа бўлиб қолиши билан бирга қадимий ўйинни янада оммалаштириш ҳамда интернационал муносабатларни яхшилашга хизмат қилади.



ТЕННИСЧИЛАР ТАЙЁРЛАНИШЯПТИ

Куйбишев, Львов, Минск, Тошкентда ўтказилган беллашувлар жуда кўп тантаналн теннисчиларни аниқлаш, республика терма командасини тузишга ёрдам берди. Бутуниттифоқ ўқувчилар Спартакиадасига тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон командасига кимлар кирди? Бу саволга команданинг катта тренери, СССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, Николай Николаевич ШУТОВ жавоб беради:

— Терма команда асосан Тошкент шаҳри мактабларининг ўқувчиларидан ташкил этилган. Руфина Яловa команда комсорги.

Команда составида шунингдек, студентлар жамиятидан Елена Максименко, Лариса Қулибаба, спартакчилардан Татьяна Фёдорова ва Гулнора Ғаффорова, динамочи Галина Морякова, меҳнатчи Оксана Какоткина, республика болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг вакили Татьяна Иванова бор. Ўсмирлар терма командаси эса динамочи Анатолий Казикин, спартакчи Юрий Ивлев, Дамир Бойбеков, студентлар спорт жамиятидан Фарҳод Ғуломов, Ефим Бубис, динамочи Антон Иванов, армиячи Олег Каниндан ташкил этилган.

Команда аъзоларининг маҳорати деярли бир хил, улар катта турнир тажрибасига эга. Ўйинчиларнинг кўплари чаққон ва эпчил, учрашувларни шиддаткор ва ҳужумкор руҳда ўтказиш услубига эга. Р. Яловa, Е. Максименко, Т. Фёдорова, Г. Ғаффорова, Г. Морякова Ўзбекистоннинг етакчи теннисчилари бўлиб қолди. Ўсмирларнинг ҳам маҳоратлари ўсиб бормоқда. А. Казикин ва И. Лебедь командининг етакчи ўйинчиларидир. Машғулотлар шахсий план асосида олиб бориляпти.

Ўйинчиларнинг жисмоний, техника ва тактик тайёргарлиги кўрикдан ўтказилиб турилибди. Қизлар ва ўсмирлар командаларининг биргаликда машқ ўтказиши тажриба қилинмоқда. Бу нарса айрим камчиликларни аниқлаб олиш ва бартараф этишга ёрдам беряпти. Сентябрь ойига қадар ёш теннисчилар бир неча турнир ва учрашувларда қатнашишади. Июль ойида улар Таллин ва Днепропетровск шаҳрида ўтказиладиган Бутуниттифоқ мусобақаларида қатнашишлар. Шундан кейин Рига шаҳрида ўқувмашғулот йиғилиши бўлади. Тайёргарлик Латвия ўқувчилар терма командаси билан бўладиган учрашувлар билан якунланади.

В. ЛЕБЕДЕВ.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари рейди

ҚИШ ҒАМИНИ ЁЗДА ЕНГ

ЁКИ ЎТГАН ҚИШ САБОҚЛАРИ НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ

Аввалги рейд материалимизда янги газ магистралларн, иссиқлик трассаларн, район қозонхоналарн қурилиши ва реконструкцияси, шаҳарни иссиқлик энергияси билан таъминлаш масалалари, белгиланган тадбирларнинг қай даражада бажарилаётганлиги хусусида гап борган эдн. Шу билан бирга ўтган қишда турар жой ишлаб чиқариш-эксплуатация трестларн ва бошқармаларининг фаолиятн жиддий эътирозларга сабаб бўлганлиги айтилган эдн. Ана шу ташкилотлар бу йилги қишки-кузги мавсумга қандай тайёргарлик кўришяпти! — бу савол ҳамшаҳарларимизни қозирданоқ ташвишлантираётганлиги улар нинг мактубларидан сезилиб турибди. Бу ташвишлар бежиз эмас. Чунки турар жой фондини, иситиш системаларини иситиш мавсумига ўз вақтида тайёрлаш, профилактика ва ремонтдан чиқариш қишнинг аёзли кунларида ҳам шаҳар аҳолисини нормал иситиш демакдир.

2. ВАЪДАГА ВАФО— МАРДНИНГ ИШИ

Ҳозирги кунда маҳаллий Советларнинг турар жой фонди 7517 уйдан ёки 200,3 минг квартирадан иборат. Уларда 760 мингдан ортиқ киши истиқомат қиляпти. Шаҳарнинг барча 10 районида жорий ремонт ишларини бажариш учун турар жой эксплуатацияси ишлаб чиқариш трестлари (ЖПЭТ) тузилган. Ҳар йили ЖПЭТ ва уларнинг участка (ЖЭУ)лари томонидан иситиш мавсумига тайёргарлик бўйича тадбирлар плани ишлаб чиқилади. Унга биноан иситиш системалари тозаланиши, даво ўтказилиши, турар жой биноларн капитал ремонт қилиниши, нурли иситиш системасини бошқасига алмаштириш ва ҳоказо ишлар амалга оширилиши керак.

Лекин текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, бу тадбирларнинг бир қисми қоғозда қолиб кетяпти. Пировард натижада одамлар қийналишмоқда.

Хўш ҳозир бу масала қандай ҳал этиляпти?

Қуйбишев район ЖПЭТи ҳисобида 1157 та уй бўлиб, уларга 12 та турар жой эксплуатация участкаси хизмат кўрсатади.

— Иситиш системаларини профилактикадан ўтказиш ишлари асосан график асосида олиб бориляпти, — дейди трест бошқарувчиси Д. Абдуллаев. — Барча турар жой эксплуатация бошқармаси кўп қаватли биноларда жамоатчилик уй комитетлари билан ҳамкорликда ёппасига ревизия ўтказдилар, қайси уйда, квартирада томдан чакка ўтган бўлса, яхши иситилмаган бўлса, иссиқ ва совуқ сув таъминотида узилиш бўлса, ҳаммаси ҳисобга олинди.

Айрим қийинчиликларга қарамай, белгиланган барча тадбирларни бажариш, турар жой фондимизни қишки мавсумга тайёрлаш учун бутун куч ва имкониятларни ишга солмоқдамиз.

Бироқ ҳали қийинчиликлар кўп. 14-қурилиш бошқармаси (бошлиғи А. Петросов), 1-ремонт қурилиш бошқармаси (бошлиғи Г. Зудер), қурилиш-монтаж бошқармаси (бошлиғи А. Авельянов) уйларимизда амалга ошириладиган умумий қурилиш ва капитал ремонт ишлари муддатини чўзиб юбормоқдалар.

Айниқса, Тракторсозлар массивининг 1, 2, 2а, 4-микрорайонларидаги, Луначарский шоссесининг жанубий томонидаги уйларни иссиқлик билан таъминлаш масаласи ташвиш туғдирмоқда.

Сув таркибида кислороднинг кўпайиб кетганлиги туфайли 49 та уйда нурли иситиш системаси ишдан чиққан.

Агар бу ишлар шу кунларда зудлик билан ҳал этилмаса, бу қишки мавсумда ҳам аҳоли совуқдан азоб чекиши турган гап.

Райондаги кўпгина уйларнинг ертўлалари ҳам аянчли аҳволда.

«Январь ойидан буён В. Айрапетянц бошлиқ 2-турар жой эксплуатация бошқармаси эшигини қоқамиз, — дея редакцияга мактуб йўллашган Сўфизода кўчасидаги 4-уйда яшовчилар. — Аммо натижа йўқ. Канализация ва иссиқ сув қувурлари авария ҳолига келган. Бироқ ЖЭУ раҳбарлари «ремонт қилиб беринг» деган илтимос ва талабларимизга панжа орасидан қарашяпти...»

Афсуски, турар жой эксплуатация бошқармалари хизматидан норози бўлган бундай ташвишли сигналлар жуда кўп.

Бу борада Киров районида ҳам ташвишли аҳвол вужудга келган. Текшириш пайтида биз кўпгина уйларнинг ертўлалари сувга тўла эканлигининг шоҳиди бўлдик. Минг афсуски, бу уйларнинг қачон тартибга келтирилиши номаълум. «Кўргазма» учун улардан бир нечтасини тилга оламиз. «Марказ—4» кварталидаги 12, 14, 30-уйлар (10-ЖЭУ бошлиғи А. Вайкум), «Марказ—6» кварталидаги 90 уй (12-ЖЭУ бошлиғи Э. Ғуломов) ва ҳоказо. Иситиш системаларини профилактикадан ўтказиш ишлари суст олиб бориляпти. Бугунги кунда пландаги 86 уйдан 23 таси профилактикадан ўтказилган. Бу ерда ишлаётган Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг махсус ишлар бошқармаси (бошлиғи С. Ғуломов) қолган ишларни тугаллаш учун мавжуд резервларни ишга солмоғи лозим. Акс ҳолда ўтган йилги воқеа такрорланмайди деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Киров район турар жой ишлаб чиқариш-эксплуатация трести (бошқарувчиси Х. Нурмуҳамедов) бу масалани ҳал этишда совуққонлик қиляпти. Ҳолбуки, қишда район аҳолисини иссиқлик билан таъминлаш мазкур трестнинг нечоғлик жонбозлик кўрсатишига боғлиқ. Халқ мақолида айтилганидек, бугунги ишни эртага қўймаслик керак. Вақтни ғанимат билиб, белгиланган чора-тадбирларни бажармоқ даркор.

Рейдимиз давомида шаҳарнинг бошқа районларида ҳам бу масала оқсаётганининг гувоҳи бўлдик. Аҳоли томонидан Фрунзе районидаги 59-ЖЭУ (бошлиғи С. Ражалов), Собир Раҳимов районидаги 23-ЖЭУ (бошлиғи С. Соатов), Октябрь районидаги 29-ЖЭУ (бошлиғи Р. Тукшаидова)лар ишига жиддий эътирозлар айтиляпти. Шунингдек, турар жойдан фойдаланиш ва уни яхши сақлаш учун мутасадди бўлган «Главташкентстрой»нинг турар жой-коммунал хўжалиги бошқармаси (бошлиғи В. Лебедев) ва бошқа кўпгина ташкилотларнинг иши ҳам кўнгилдагидек эмас. Бу ҳақда редакцияга ҳамшаҳарларимиз — Яснова, Диденко, Куликова, Левин, Григорьев, Ястребкова ва бошқалар ташвишланиб ёзишган.

Барча турар жой эксплуатация ишлаб чиқариш трестлари ва турар жой эксплуатация бошқармалари ишининг қай ҳолда эканлигини зудлик билан анализ қилмоқликлари, бошланган ишни ниҳоясига етказмоқ учун ишга бутун масъулият билан ёндошишлари, бугунги ишни эртага қўймай, охирига етказишлари шарт.

Иситиш мавсумига тайёргарлик ишида ҳал этилмаётган бир қатор муаммолар мавжуд. Чунончи, айни пайтда нурли иситиш системасини радиаторлисига алмаштириш зарурати туғилди. Лекин шаҳар ижроия комитетининг капитал ремонт бошқармаси иситиш мавсумига қадар бу ишни уддалай олмаслиги аниқ. Шунинг учун унинг раҳбарлари бу ишга махсус трест ва корхоналарни ҳам жалб этиш ҳусусида ўйлаб кўрса ёмон бўлмасди. Моддий-техника таъминоти масаласини ҳам ҳал этиш зарур. Ҳозирда ЖЭКлар буюртма берган материалларидан бешдан бир қисмини олганлар, холос.

Турар жой фондидан фойдаланишни яхшилаш, унинг узоқ муддат сақланишини таъминлаш ишига шаҳар кенг жамоатчилиги жалб этилмоқда. ЖЭУлар қошида аҳолидан иборат 200 дан ортиқ кўнгилли ремонт бригадалари ташкил этилган. Уларнинг кўмагида эшиклар, подъездлар, болалар майдончалари ремонтдан чиқарилди. Бироқ амалга оширилган ишлар билан бирга ишнинг бу муҳим участкасида йўл қўйилган бир қатор жиддий нуқсон ва камчиликлар бор. Уй-жой ташкилотлари ҳали бу ишга аҳолини оммавий жалб эта билмадилар. Уй-жойни сақлаш, ундан оқилона фойдаланиш бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари суст олиб бориляпти, ўз моддий-техника ва ишлаб чиқариш базаларини ривожлантириш суст олиб борилаётган ишларнинг бошқа районларида ҳам кўплаб учрайди.

Бу масалаларни ҳал этишни тезлатмоқ керак. Чунки бизнинг шаҳримиз коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳар номи учун курашмоқда.

Бундан ташқари рейдимиз мобайнида шунга ишонч ҳосил қилдикки, инженерлик тармоқлари ва мосламаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун санитария-техника мосламалари, эҳтиёт қисмлар ва деталлар тайёрловчи завод қуриш пайти етган. Бу эса истиқоматчиларнинг буюртмаларини зудлик билан бажариш, ремонт ишларини жадаллаштириш имконини берган бўлур эди. Бундан ташқари шаҳар ёки республика корхоналарида санитария-техника мосламаларига деталь ва эҳтиёт қисмлар тайёрлашни йўлга қўйиш мумкин. Натижада аҳолининг кўзбўямачи слесарларга иши тушмайди, ЖЭКларнинг ишёқмас ходимлари зарур деталларни «ер остидан топиб» уни пуллашмайди.

Яна бир муҳим муаммолардан бири—бу кадрлар масаласидир. Турар жой органлари ўзининг ўқув базасига эга эмас. Шунинг учун ҳам юқори малакали ишчи кадрларни топиш мушкул. Шаҳарда коммунал хўжалиги учун мутахассислар тайёрловчи бирорта ҳам ҳунартехника билим юрти йўқ. Бу турар жой эксплуатация ишлаб чиқариш трестларида малакали кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишида ижобий томонга катта ўзгариш ясаган бўлур эди.

Мамлакатимизнинг бир қатор шаҳарларида — Москва, Ленинград, Ригада анча йиллардан буён «Сантехника», «Электротовари» каби ихтисослаштирилган магазинлар ишлаб турибди. Зарурат туғилганида истиқоматчилар ремонт учун зарур буюмларни шу магазинлардан сотиб олишлари мумкин. Бу борада Сергели райони намуна кўрсатяпти. Бу ерда шундай магазинлар бор. Албатта Тошкентнинг бошқа районларида ҳам бундай магазинлар очилса фойдадан ҳоли бўлмайди.

Мутасадди ўртоқларга яна бир бор «Бугунги ишни эртага қўйма» деган халқ мақолини эслатиб ўтамиз. Ўтган қиш сабоқларини унутмаслигимиз керак.

Л. РАШЧУПКИН,
«Ташинжстрой» трести слесарн, халқ контроли бош группаси аъзоси.

С. ҚОСИМОВ,
«Таштеплосеть» ишлаб чиқариш корхонаси бош инженери.

В. ГРЕШНИКОВ,
Тошкент шаҳар уй-жой бошқармаси бош инженери.

Х. ЖУМАЕВ,
Тошкент шаҳар партия комитети қурилиш бўлими инструктори.

Т. ТОШЕВ,
Э. ЗОҲИДОВ,
«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг мухбирлари.



1. «Денгизлар шоҳи: Ниҳоят меҳмон бўлиб келибсизлар-да?!



2. Қоғозбоз қоғозлар қуршовида.

ЖЭУ ходимлари: Эй, йўқ биз шу ернинг мутасаддиларимиз.

В. Златин чизган расмлар.

Газетанинг навбатдаги сони 22 июнда чиқади.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

20 ИЮНЬ, 1984 й.

ҲУЖЖАТЛАР АСОСИДА ЖАМҒАРМА ТЎПЛАШ

ОМОНАТ КАССАЛАРИ СОВЕТ ГРАЖДАНЛАРИГА ШАХСИЙ БЮДЖЕТЛАРИНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ, ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРДАН МАҚСАДГА МУВОФИҚ ҲОЛДА ФОЙДАЛАНИШДА ЁРДАМ БЕРМОҚДА.

Улар ўз жамғармалари ҳисобига узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар харид қиладилар, жонажон мамлакатимиз бўйлаб қизиқарли саёҳатларга чиқадилар.



Жамғармаларни ҳужжатлар асосида пул ўтказиб тўплаш мумкин. Бунинг учун корхона, муассаса, совхоз ёки колхоз бухгалтериясига олинаётган пул даромадидан муайян қисмини омонат кассасидаги жамғарма счётига ўтказиш тўғрисида ариза бериш кифоя қилади. Ишчи ва хизматчиларнинг маошидан, кўп йил ишлаганлик учун бериладиган мукофотдан, колхозчиларнинг пул даромадидан, пенсиядан, давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотганлиги учун аҳоли оладиган маблағдан жамғармага пул ўтказиш мумкин.

Тегишли пул даромадларидан жамғарма счётига фақатгина жамғармачи истиқомат қилаётган аҳоли пунктидаги омонат кассасигагина эмас, балки мамлакатнинг бошқа шаҳри, районидаги исталган омонат кассасига ҳам маблағ ўтказиш мумкин.

Меҳнаткашлар даромадидан жамғармага маблағ ўтказиш жамғармачилар учун қўшимча қулайлик туғдиради — улар омонат кассасига бориш учун вақтини кетказмай, ўз жамғармаларини кўпайтиришлари мумкин.

СССР ДАВЛАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИ ҚОШИДАГИ
104-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-1985 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8-синф ҳажмидаги маълумотга эга бўлганлар уч йиллик ўқишга қуйидаги касблар бўйича қабул қилинадилар; ҳисоблаш машиналарининг оператори (бухгалтер-ҳисобдон), химия анализи бўйича лаборант, монтёр-алоқачи, электр ускуналар монтажчиси, электр пайвандчиси, кабель-пайвандчи, контроль-ўлчов асбобларини ремонт қилувчи слесарь.

Ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош, ишлаб чиқариш практикаси даврида пул мукофоти билан таъминланадилар.

Билим юртини тугатганларга ўқувчининг касб-кори ва ўрта маълумот олганлиги тўғрисида диплом берилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

Шунингдек, ўрта маълумотга эга бўлганлар ва Совет Армияси сафларидан запасга бўшаганлар бир йиллик муддат билан қуйидаги касблар бўйича ўқишга қабул қилинадилар: ҳисоблаш машиналарининг оператори (бухгалтер-ҳисобдон), секретарь-машинистка, химия анализи бўйича лаборант; иссиқлик асбоб-ускуналарини созловчи слесарь, алоқа телефонисти, электр пайвандчи, электромонтёр, контроль-ўлчов асбобларини ремонт қилувчи слесарь.

ЎҚУВЧИЛАРГА 30 СЎМ МИҚДОРИДА СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, медицина справкаси (286-форма), турар жойидан справка, 3 дона фотосурат (3х4 см.), туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки ҳарбий билет.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Бизнинг адрес: 702169, Тошкент области, Оржоникидзе район, ТошГРЭС посёлкаси (115-автобуснинг «ТошГРЭС посёлкаси» бекати). Телефонлар 62-12-16, 62-12-51, қўшимча телефон 6-12, 3-18, 6-26.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА
ишлаб чиқариш, техника, материал бўлимларининг инженерлари; кадрлар бўлими инспектори.
ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИГА
тикувчилар; уйда ишловчи, тўлиқ ва қисқа иш кунида ишловчи; пенсионерлар, инвалидлар ва уй хўжалигида машғул бўлганлар; **тикувчилик ишлаб чиқариши технологлари, экономистлар, бичиқчилар: эркаклар ва аёлларнинг устки кийимлари бўйича, аёлларнинг енгил кўйлаклари бўйича; электромонтёрлар, электр ускуналарига хизмат кўрсатиш бўйича электриклар.**
КИРОВ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА
электромонтёрлар ва слесарлар; электр ускуналари ремонти бўйича, станокчи ишчилар, токарлар; фрезерчилар, пармаловчилар, мастерлар, нормаловчилар, инженер-конструкторлар, инженер-технологлар, инженер-химиклар, сотиш бўлими экономисти, техника бўлими бошлиғи ўринбосари.
Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.
ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА
токарлар, фрезерчилар, слесарь-йиғувчилар, сайқал берувчилар, электромонтёрлар, мастерлар, пармаловчилар.
«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг
1-«ОТДЕЛСТРОЙ» ТРЕСТИГА ҚАРАШЛИ
11-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА
сувоқчилар,
МОНТАЖ- ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИНИНГ ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ МОНТАЖ-СОЗЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИГА
прораблар, мастерлар, техника бўлими инженерлари, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича слесарь-монтажчилар, электромонтажчилар, газ-пайвандчилар.

МАЪЛУМОТЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 64-уй.
Ҳамза район пункти —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 53-уй.
Киров район пункти— Энгельс кўчаси, 48-уй.
Собир Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Акмал Икромов район пункти —Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

МАКТАБДА ЎҚИЛГАН ЙИЛЛАР ОРТДА ҚОЛИБ КЕТДИ, ОЛДИНДА ЭНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ПАЛЛА — КАСБ ТАНЛАШ ТЎРИБДИ.

СОТУВЧИЛИК ҚИЗИҚАРЛИ ВА ЭНГ КЕРАКЛИ КАСБ.

«ХИЗМАТ-БЕМИННАТ» САВДО ФИРМАСИНИНГ МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ!

БУ МАКТАБ-МАГАЗИН ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИНИНГ КИЧИК СОТУВЧИЛАРИ ВА КОНТРОЛЁР-КАССИРЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

Ўқиш муддати — 4—6 ой.

16 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН, 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

«ХИЗМАТ-БЕМИННАТ» САВДО ФИРМАСИ МАКТАБ-МАГАЗИНИНИ БИТИРГАН ЎҚУВЧИЛАРГА ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИНИНГ КИЧИК СОТУВЧИСИ ЁКИ КАССИР-КОНТРОЛЁР ИХТИСОСЛИГИ ҲАМДА ФИРМА МАГАЗИНЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН ЙЎЛЛАНМА БЕРИЛАДИ.


Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур бўлади: паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, меҳнат дафтарчаси, 3 дона фотосурат (6х9 см.).

Маълумотлар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, Аҳмад Дониш кўчаси, 1-Универсам (25, 28-трамвайлар; 60, 72-автобусларнинг «Универсам» бекати). Телефонлар: 24-08-92, 24-08-71.

Савдо фирмаси — Чилонзор массиви, 23-квартал, Подмосковная кўчаси, 57-уй, кадрлар бўлими. Телефонлар: 74-67-42, 74-66-77.



«ХИЗМАТ-БЕМИННАТ» САВДО ФИРМАСИ.



ИСТАЛГАН КОСТЮМГА ЯРАШАДИ

ҚУҚОН ПАЙПОҚ-ИИГИРУВ КОМБИНАТИДА ТАЙЁРЛАНГАН НОСКИЛАР ИСТАЛГАН КОСТЮМЛАРГА МУНОСИБ ЯРАШАДИ.

Улар рангининг, гулининг, размерининг ранг-баранглиги билан харидорга манзур бўлади.

Ип-газлама, шунингдек синтетика аралаштириб тўқилган носкилар майин ва чидамлидир. Улар яхши ювилади ва тез қурийди.

Баҳоси — 1 сўм 25 тийин, 1 сўм 45 тийин, 80 тийин;
болалар пайпоқлари ип-газламали толадан пишиқ тўқилган. Улар қулай ва чидамли, оёққа ёпишиб туради. Бу пайпоқлар ранг-баранг жозибали тусда тайёрлаб чиқарилмоқда.

Баҳоси — 1 сўм 25 тийин, 39 тийин, 50 тийин, 28 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ-ЛОЙИҲА КОНСТРУКТОРЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ (телефон 41-54-21).

АВТОМОБИЛЬ УЧУН ШАМПУНЬ

СИЗНИНГ АВТОМОБИЛИНГИЗ ҲАМИША ОРАСТА ЧАРАҚЛАБ ТУРИШИ ВА ЙЎЛДА ҚИЙНАБ ҚЎЙМАСЛИГИ УЧУН АВТОКОСМЕТИКА ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!


АВТОШАМПУНЬ, ПОЛИРОЛЬ, ТОЗАЛАГИЧ,

ТОЗА ЮВАДИ,
ТЕЗ ЯРАҚЛАТАДИ,
ТИНИҚ ҚИЛАДИ,
ОРАСТА ҚИЛИШ ВАҚТИНИ ҚИСҚАРТИРАДИ.
АВТОМОБИЛНИНГ «УМРИНИ» УЗАЙТИРАДИ.

«УЗСПОРТТОРГ» РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН САВДО БАЗАСИНИНГ
14—Фарҳод ярмаркаси;
1—«Динамо» кўчаси, 3-уй;
2—Муқимий кўчаси, 16-уй;
22—Олмазор массиви, 15/3;
42—Олой бозори,
МАГАЗИНЛАРИДАН

«СПОРТ» тормозлари авточистители, двигатель автотозалагичи, автомобиль ювиш воситаси, «ГЛЯНЕЦ» автополироли, янги қопламали автополироль, автошампунь, сақичли қотган доғларни тозалагич, ойна тозалагич, автосочиқлар, тез ювувчи воситалар, графитли мой, автобальзам, зангланган доғларни кетказувчи восита, эски бўёқни ювадиган модда ва бошқа нарсаларни

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН!



«УЗСПОРТТОРГ» РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН САВДО БАЗАСИ (телефон 35-05-13).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-28).

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ «ТАШГОРШВЕЙБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Хотин-қизлар устки кийимларини якка тартибда тикиш бўйича тикувчи, эркаклар устки кийимларини якка тартибда тикиш бўйича тикувчи. Ўқиш муддати —12 ой. Стипендия 30 сўм; **хотин-қизлар енгил кўйлакларини якка тартибда тикиш бўйича тикувчи, шимлар ва кўйлакларни тикиш бўйича тикувчи.** Ўқиш муддати — 6 ой. Стипендия 30 сўм.

16 ёшдан 30 ёшгача бўлган 8—10 синф ҳажмида маълумотли Тошкент шаҳри ва Тошкент областида истиқомат қилувчи йигитлар ва қизлар қабул қилинадилар.

Машғулотлар 1 сентябрда, шимлар тикадиган тикувчиларни тайёрлайдиган группада машғулот 1 июлда бошланади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ёзилган ариза, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида ҳужжат, справкалар: медицина (286-форма), турар жойидан; таржимаи ҳоли, характеристика, 3 дона фотосурат (3х4 см.).

Қуйидаги адресларга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, 53-алоқа бўлими, Киров райони, 1-Мингўрик кўчаси, 9-уй (19, 115-автобуслар; 2, 16-трамвайларнинг «Узбексельмаш заводи» бекати).

«Ташгоршвейбит» ишлаб чиқариш бирлашмаси: Тошкент шаҳри, 15-алоқа бўлими, Полторацкий кўчаси, 29-уй.

ТВ

ЧОРШАНБА

20 ИЮНЬ

● МТ I

18.05 «Учалови бир шаҳардан». Телеочерк.
18.40 «Дунё ва ёшлар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.40 «Халқ ижодиёти». Телевизион кўрсатув.
20.25 «Бородино». Илмий-оммабоп фильм.
20.35 «Берлиоз ҳаёти». Телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Ҳужжатли экран».
23.05 «Спорт ҳафталиги».
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
19.15 Е. Школьникова куйлайди.
19.30 «Сиз яратган боғ».
20.00—20.30 В. И. Саввин хотираси учун волейбол бўйича халқаро турнир. Эркаклар. СССР-I — Канада терма командалари.
20.50 «Инсон ва қонун».
21.20 «Ярқирама кварц». Илмий-оммабоп фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Осмон сўқмоқлари». Бадиий фильм.
23.10 «Сенинг изланишларинг, театр». В. И. Немирович-Данченко мактубларини СССР халқ артисти М. А. Ульянов ўқийди.
23.45 В. И. Саввин хотираси учун волейбол бўйича халқаро турнир. СССР-I — ЧССР терма командалари.

● УзТВ I

18.15 Мультфильм.
18.20 Ўсмирлар учун. «Орзу».
19.00 Совет Армияси жангчилари учун. «Бурчга садоқат...»
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси ўйғур ансамблининг концерти.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Созандалар ҳақида ҳикоялар».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Фидойи». Бадиий фильм.
23.50 Янгиликлар.

● УзТВ II

18.10—18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.45 «Буюк Ростов». Телефильм.
19.00 «Совет ёшларининг маънавий қиёфаси».
19.30 «Етти тепаликда». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 А. С. Пушкин туғилган кунининг 185 йиллигига бағишланган интернационал шеърият кечаси. «Баҳор» концерт залидан трансляция пайтида ёзиб олинган.
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА

21 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Балерина Кунакова». Фильм-концерт.
10.15 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
11.15 «Берлиоз ҳаёти». Телевизион бадиий фильм. 6-серия.
12.10 «Кимки хўроз билан баравар уйғонса». Илмий-оммабоп фильм.
12.30 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Инсон ва табиат». Телефильмлар.
16.00 «Рус тили».
16.35 «Изланиш». Граждан авиациясининг ноёб самолётларини реставрация қилиш ҳақида.
16.50 Телевизион музикали фильм премьераси.
17.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15 «Шахмат мактаби». Маҳорат сабоқлари».
18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Икки дунё — икки сиёсат».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Биргаликда аҳил оиламиз».
19.55 «Енгилмас ва афсонавий». Шеърий композиция.
20.25 Халқ хорлари II Бутунроссия кўригида Шимол рус Давлат академик халқ хорининг чиқиши.
22.55 «Мўъжиза-дарахт». Телефильм премьераси.
23.15 Дунё воқеалари».
23.30 Р. Шчедрин. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 2-концерт.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Каменец — Подольский». Телефильм.
9.40—10.50 Болалар учун қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар.
11.50 — 12.20 Мультфильмлар.
13.20 «Княгиня Аннанинг узуги». Бадиий фильм, субтитр билан (Польша).
14.45 «Онамларнинг мактаби».
15.15 КИРОВ ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
16.20 «Горнчилар, қавардасиз!»
16.55 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 Я. Дубравин В. Сусловнинг «Ленинград ва ғалаба» шеърларига ёзган вокал туркуми.
19.30 —20.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.45 Халқаро конкурслар лауреати, гитарачи К. Кочолис чалади (Греция).
21.30 «Время».
22.05 «Сув машаққати». Бадиий фильм.
23.30 Енгил атлетика бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари.

● Уз ТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Нурафшон ёз қўшиқлари». Болалар учун фильм-концерт.
10.50 «Келажак марраларига». Телефильм.
11.10 «Хотира». Бадиий (рус.).
12.30 «Касблар ҳақида
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.20 «Ишга тушираётган ектлар — сафга» кўмир разрези (рус.).
18.50 «Ёшлик» студиси ди. «Интернационал клубда».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «СССР халқ рассоми Танскибова». Туғилганнинг 80 йиллигига.
20.15 Телефильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ёшлар куйлаганда» церт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Мустаҳкам оилу учунъ».
22.20 «Берлин учун жанг» корлик кинохроникал дий фильм.
23.45 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00 —17.00 МТ II
18.10 —18.15 Кўрсатувлар раммаси.
18.45 —19.10 «Шошинч фильм.
19.40 Реклама.
20.00 Тошкент янгиликлари
20.20 «Классик куй саҳифа
20.50 «Мода ва фабрика» фильм.
21.00 «Қалб амри билан»
21.30 МТ II

---

4 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горнома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

20 ИЮНЬ, 1984 й. Р —12331. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10